

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ “АВЕСТО” АСАРИ ОРҚАЛИ ЎРГАТИШ АСОСИДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ

**Жураева Бахтигул Акрамжоновна**

*2 -Фаргона тиббиёт коллежи*

*Ҳуқуқшунослик фани бўйича*

*биринчи (етакчи) тоифали уқитувчи*

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндашганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун қандай шарт-шароитлар яратилганлиги билан белгиланади. Республикамизда демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсадимиз ҳам мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдан иборатдир. Инсон ҳуқуқларига амал қилишни таъминловчи воситалардан бири бу ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқини яхши билиши, ҳуқуқий онгни юқори даражада шаклланиши ҳисобланади. Шундай экан, олдимизда турган энг долзарб муаммолардан бири бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласидир.

Инсон ҳуқуқларининг тарихий ривожланиши “Авесто” дан бошланган бўлиб, узоқ такомиллашув йўлини босиб ўтди. Халқимизда инсон фарзандига, эл-юртига ҳурмат ва инсониятга бўлган улуғ муҳаббат ғояси ҳар доим баланд бўлган. Бу ғоялар асосида инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи, тенгма-тенг қўювчи инсонпарварлик ётади. Инсонни улуғлаш ғояси муқаддас китоб – “Авесто” да ўз ифодасини топган. Бу китоб инсон ҳуқуқларини белгиловчи манба бўлиб, унда инсон ҳуқуқларига дахлдор кўплаб қоидалар мавжуд.

Инсонни ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш азалдан халқимиз табиатига хос хислатдир. Кўҳна ўтмишимизга назар ташласак бунинг гувоҳи бўламиз. Бу борадаги илк ҳуқуқий манба – зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” дир. Ўша даврда янги диний-фалсафий, ҳуқуқий таълимот сифатида “Авесто” халқ ва аркони давлат учун сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур мезони ҳамда амалиёт учун манба бўлиб хизмат қилган. “Авесто” да халқимиз тарихининг энг қадимий даврларидаги ҳаёти, турмуш тарзи, ахлоқий қоидалари, урф-одатлари, диний эътиқоди, деҳқончилик касб-кори ва бошқа халқлар билан иқтисодий-маданий муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар берилган. Шунингдек, дастлаб айнан шу китобда инсон ва у билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар ҳамда жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари тилга олинган. Ўзига хос қомусий билимлар мажмуаси бўлган “Авесто” нинг фақат Ясна, Яшта, Виспарад, Вендидат номлари билан маълум бўлган қисмлари бизгача етиб келган. Вендидат аслида қонуннома бўлиб, 22 бобдан иборат.

“Авесто”да юксак маърифатлилик ва меҳнатсеварлик туйғусини шакллантиришга эътибор берилган. Бу эзгуликка эришишнинг манбаи ҳисобланади.

Шу боис таълим –тарбия ҳаётнинг муҳим таянчи сифатида қаралиб, ёшларнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш изчил амалга оширилган. Зардуштийликда маърифат ва билимнинг кучига эътиқод қилинади. Ўша даврларданоқ болаларда ёшлиқдан меҳнатга, касб-ҳунарга қизиқиш шакллантириб борилган ва бу борада ғамхўрлик кўрсатилган. Бу эса билим олиш ва меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун етарли имкониятлар яратилганлигидан далолат беради.

Зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутди. Ўша даврлардан кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2-3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор бўлган. Бу эса ижтимоий таъминот ҳуқуқининг шу даврда ҳам амалда бўлганлигини билдиради. Бундан ташқари, уруғ жамоаси ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий вазифаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган. Бундан кўринадики, сайлов ҳуқуқи ҳам амалда бўлган. Яна шуни таъкидлаш жоъизки, “Авесто” да табиатни муҳофаза қилиш муаммоси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилган. Олов, ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланган. Уни ифлос қиш катта гуноҳ бўлган. Шу боис зардуштийлик инсон бутун ҳаёти давомида сув, тупроқ, олов умуман, дунёдаги жамийки яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир, деб таълим беради.

Шундай қилиб, “Авесто” одамларнинг одоб-ахлоқ меъёрларини тизимга солди. У жамоанинг ҳар бир аъзоси бажариши шарт бўлган қоидаларни белгилаб берди. Меҳнат ва илм уйғунлашгандагина инсон фаровон яшаши мумкинлиги ғояси илгари сурилди. Яхши ният, яхши амал инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этмоғи зарурлиги ўқтирилди. Ана шу умуминсоний қадриятлар мажмуаси ўша даврдаги аждодларимиз тафаккурининг асосини ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда. ёш авлоднинг ҳуқуқий маданияти ва бурчларини англатиш учун уларга инсон ҳуқуқларининг тарихий ривожланишини ўргатиш ва бу орқали ёшларда ҳуқуқий маданият тушунчасини шакллантириш ва ошириш барча педагоглар зиммасига юклатилган улкан масъулиятдир.

#### REFERENCES:

1. Sabirdinov, A. (2019). Sketches to the novel “Night and day” by Chulpan. Scientific journal of the Fergana State University, 1(6), 119-120.
2. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of Characters in Utkir Hoshimov’s Story “Yanga”. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(6), 196-200.
3. Sabirdinov, A. (2020, December). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. In Конференции.
4. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of the banned period in the stories of Naim Karimov. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(11), 4-91.
5. Сабирдинов, А. Г. (1993). Слово и образ в поэзии Айбека.

6. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Scientific Journal of Polonia University, 32(1), 116-120.

7. Oripova Gulnoza Murodilovna. (2019). THE PECULIARITIES OF VAZN METER IN UZBEK POETRY OF THE INDEPENDENCE PERIOD. International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. –P.33-39.

8. Murodilovna, O. G. (2020). Melody and musicality in Lirycs. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 656-664.

9. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.

10. Oripova, G. (2020, December). RHYTHM AND MYTHING IN LYRICAL GENRE. In Конференции.

11. Oripova, G. (2019) "Traditions of folk ballads and distinctiveness of uzbek poetry of independence period," Scientific journal of the Fergana State University: Vol. 2 , Article 12.

12. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(12), 90-94.

13. Oripova, Gulnoza, & Ibrohimova, Gulchiroy (2022). SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA MUMTOZ MUSHTARAKLIKAR. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 251-255.

14. Oripova, Gulnoza Murodilovna, Akhmadjonova, Okila Abdumalikovna, Kholmatov, Oybek Umarjon Ugli, & Muminova, Tabassum Siddigovna (2022). INTERPRETATION OF MOTHER IMAGE IN LITERATURE. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 304-309.

15. Oripova, Gulnoza, & Alijanova, Maftuna Azimjon Qizi (2022). ASQAD MUXTORNING “CHINOR” ROMANIDA AYOL PORTRETINING BADIY-PSIXOLOGIK ASOSLARI. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 221-226.

16. Oripova, Gulnoza Murodilovna, & Abdurasulova, Nafisa Abdumannob Qizi (2022). O’ZBEK NASRIDA URUSH MAVZUSI VA “YO’QOTILGAN AVLOD” MUAMMOSI. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 213-220.